

II. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2018 йилнинг январь-июнида 2674 та кичик бизнес субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 115,0% кўпдир), уларнинг сони 27404 тага етди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши *2018 йил 1 июль ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 24,3%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (17,8%), савдо соҳасида (20,8%) ва қурилишда (12,6%) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь-июнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2018 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 47,4% (2017 йил январь-июнда 56,1%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2736,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 17,8%) ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 107,4% ташкил қилди;

- 3895,1 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,0 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,6 %) ташкил қилди;

- 1250,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 38,8%) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-июнга нисбатан 152,0% ташкил қилди;

- 399,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 43,3%) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-июнга нисбатан 104,0% кўпайди;

- автомобиль транспорти юқ айланмасининг 107,9% (вилоят жами автомобиль транспорти юқ айланмасининг 20,2%), йўловчи айланмасининг эса 100,4% (умумий йўловчи айланмасининг 12,7%) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 27,8% ёки 1787,3 млрд. сўм (ўсиш 112,8%) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 74,5% ёки 780,4 млрд. сўми (ўсиш 107,3%) шакллантирилди;

- 180,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 27,9%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 425,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 39,5%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-июнда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3895,1	97,1
Саноат	2736,5	25,2
Курилиш	399,0	43,3
Чакана савдо	1787,3	27,8
Юқ ташиш, млн т	16,4	0,10
Йўловчи ташиш, млн.кииши	42,0	0,06
Экспорт, млн. АҚШ долл.	180,2	27,9
Импорт, млн. АҚШ долл.	425,6	39,5

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар,
хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушкининг
ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

